

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮНУСОВА ЗАРИНА СЕРВЕРОВНА

**АЛЛЕРГОДЕРМАТОЗЛАР БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ОПОРТУНИСТИК ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ОПТИМАЛ
МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Юнусова Зарина Серверовна

Аллергодерматозлар билан хасталанган беморларда
оппортунистик инфекцияларнинг клиник-иммунологик
характеристикаси ва оптимал маҳаллий даволаш усуллари..... 3

Юнусова Зарина Серверовна

Клинико-иммунологическая характеристика оппортунистических
инфекций у больных аллергодерматозами и оптимальные
методы наружной терапии..... 21

Yunusova Zarina Serverovna

Clinical and immunological characteristics of opportunistic
infections in patients with allergic dermatosis and optimal
methods of external therapy..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮНУСОВА ЗАРИНА СЕРВЕРОВНА

**АЛЛЕРГОДЕРМАТОЗЛАР БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ОПОРТУНИСТИК ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ОПТИМАЛ
МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Тиб476** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот - таълим порталида (www.ziyounet.uz) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:

Мавлянова Шахноза Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ваисов Адхам Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арифов Саидкасим Сайдазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» Июнь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (231 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» Июнь куни тарқатилди.

(2021 йил «30» Июнь даги 104 рақамли реестр баённомаси).



А.В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда терининг аллергик касалликларини тўхтовсиз ўсиб бориши кузатилмоқда, бу касалликлар сурункали табиатга эга эканлиги, тез-тез қайталаниши, ўтказиладиган муолажаларга резистентлиги билан жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...аллергик дерматозларнинг оғир кечиши билан асосланган резистент шаклининг учраш частотаси кўпинча ўсмирлар ва меҳнат қилишга яроқли ёшдаги шахслар орасида кузатилади, улар аллергодерматозлар структурасида 27-38% ни ташкил қилмоқда...»¹. Аллергик дерматозларнинг (АлД) дунёда аҳолиси орасида кенг тарқалганлиги, оппортунистик бактериал инфекциялар, замбуруғли ёки вирус этиологияли инфекциялар билан асоратланган шакллари кўпроқ қайд этилаётгани, даволашга нисбатан резистентлик ривожланиши, профилактика ва даволаш усуллари самарадорлигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда терининг аллергик касалликларини ташҳислаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга, аллергик дерматозларда оппортунистик инфекцияларни ташҳислашда молекуляр генетик текширувларга қаратилган қатор илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, терида патоген микрофлоранинг генотипларини аниқлаш, АлД патогенезининг янги механизмларини очиб беришга оптимал терапия усулларини ривожланишига ёрдам беради. Инсон териси микроорганизмлари генлари тўпламларини ўрганишда молекуляр генетика ютуқларига катта эътибор қаратилмоқда, бу эса ўз навбатида, дерматозлар патогенезида тери микробиоценози бузилишини аниқлаш имконини беради. Терининг аллергик касалликларида иккиламчи бактериал асоратларнинг юзага келиш частотаси юқорилиги, ўтказиладиган терапияга резистентлиги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилмоқда. Стафилококклар генотипларининг молекуляр-генетик тадқиқотларини инобатга олган ҳолда, оппортунистик инфекцияларини эрта ташҳислаш ва ташқи терапия усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва катталар орасида юзага келадиган турли тери касалликларини олдини олиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чораларда «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ҳамда тиббий стандартизация тизими, ташҳислаш ва даволашнинг юқори технологик услубларини яратиш, соғлом ҳаёт тарзи ва касалликларни олдини олиш диспансеризациясининг самарали усулларини яратиш...»² каби қатор устувор

¹ <http://www.who.int/meiacentre>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябридаги ПФ-6110-сон Фармони “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”

вазифалар белгиланган. Бу борада тери аллергия касалликларини эрта ташхислаш, даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, оғир шакллари ривожланишини профилактика қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябридаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябридаги ПФ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябридаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларини амалга оширишга мазкур диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳорижий олимлар томонидан тери аллергия касалликлари (АлД) хронизациясининг иммунологик жиҳатлари ўрганилган (Williams V. R., Callery S., 2009). 57% беморларнинг қон зардобидида А, В, С стафилококк энтеротоксинлари ва токсик зарба синдроми токсинига нисбатан антитаналар аниқланган. Тадқиқот таҳлиллари асосида, энтеротоксин В энг кўп реактоген хоссаларга эга бўлиб, тери зарарланиши ва антитанага сезувчанлик ўртасида ўзаро алоқа борлиги ҳам аниқланган.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасида илк бор аллергодерматозлар ривожланиш механизмидаги GSTP1 гени Pe105Val генотиплари полиморфизмлари аниқланди, шунингдек касалликнинг клиник кечишини башоратлаш усуллари ишлаб чиқилди (Мавлянова Ш.З. с соавт., 2019). Тадқиқот натижаларига кўра, G аллели ва GSTP1 гени Pe105Val полиморфизми гетеро/гомозигот генотиплари тери аллергия касалликлари ривожланишида юқори хавфнинг энг аҳамиятли мезонларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида, антиоксидант тизимининг функционал фаолияти пасайиши ва қонда олигопептидлар миқдорининг ортиши аниқланган, бу эса ўз навбатида аллергодерматозлари бўлган беморларда эндоген интоксикациянинг оғир шакли ривожланишига сабаб бўлган (Гулямова Г.Ш., 2019).

Замонавий босқичда тери аллергия касалликлари (АлД) бўлган беморларда оппортунистик инфекцияларни ташхислаш ва даволашнинг янги услубларини излаш дерматологик амалиётдаги муҳим муаммони касб этади (Шадиев Х.К., 2000; Маннанов А.М., 2000; Вайсов А.А., 2013; Сорокина Ю.В., 2014; Мавлянова Ш.З. 2016; Короткий Н.Г. с соавт., 2017). Замбуруғ турининг микробиологик

тадқиқотини ўз ичига олган ташхислашнинг стандарт услублари персист оппортунистик инфекцияларни аниқ ташхислаш имконини ҳар доим ҳам бермайди. Шу тариқа, организм биосубстратларида персист инфекцияларнинг этиологик агенти бўлган шартли-патоген микроорганизмлар генотипларини аниқлаш ва бунда, цитокин статусининг функционал фаолиятини баҳолаш ҳисобга олинганда, тери оппортунистик инфекциялари ривожланишида бирламчи механизмни аниқлаш ва касалликни эрта ташхислаш, ташқи терапияси ва профилактикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш имконини яратади. Бироқ, оппортунистик инфекцияларни қўзғатувчи этиологик агентларининг молекуляр-генетик жиҳатлари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика дерматовенерология ва косметология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ССВ-Ф-003 “Аллергодерматозлар билан хасталанган беморларда оппортунистик инфекциянинг шаклланишининг молекуляр-генетик ва биокимёвий механизмини тадқиқот қилиш ва Ўзбекистон табиий ресурсларидан фойдаланиш асосида янги даво услубларини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: терининг аллергик касалликлари бўлган беморларнинг терисида оппортунистик инфекцияларнинг ривожланишини клиник-микробиологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш ва оптимал ташқи даволаш такомиллашган усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

терининг аллергик касалликлари бўлган беморларда оппортунистик инфекциялар клиник кечишининг омиллари, аниқлаш частотаси ва табиатини аниқлаш;

терининг аллергик касалликлари бўлган беморларда стафилококкларни аниқланишида сифат ва миқдори жиҳатидан баҳолаш;

терининг аллергик касалликлари бўлган беморларни зарарланиш ўчоқларидан олинган *st. aureus*ни генотиплашнинг молекуляр-генетик тадқиқотини баҳолаш;

оппортунистик инфекцияли терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморлар қонида яллиғланиш олди (ИЛ-6) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар ҳолатини баҳолаш;

терининг аллергик касалликлари бўлган беморларда оппортунистик бактериал инфекцияларни ташқи терапиясининг оптимал услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида 2017 йилдан 2020 йилгача 144 нафар терининг аллергик касаллиги бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети организмнинг биосубстратлари (тери қиртмаси, қон зардобси), тери юзасидан олинган *staphylococcus spp.* культураси материаллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, микробиологик, иммунологик, молекуляр-генетик, иммунофермент ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терининг аллергия касалликлари сурункали кечган беморларда оппортунистик инфекцияларнинг персистент шакллари 37,2% ҳолатда *st. aureus* генотиплари асосида исботланган;

АлД беморларида оппортунистик инфекциянинг персистент шакллари кўзгатувчилари орасида 65,4% ҳолатда метилциллинрезистент стафилококк (MRSA), 25% ҳолатда токсик зарба синдроми токсини Tsst ва 1,9% ҳолатда Пантона-Валлентайна –Luk-433 лейкоцидини генотиплари ташкил этгани ҳамда 27,1% ҳолатда метилциллинрезистент стафилококк (*mecA*) ва токсик зарба синдроми токсини(Tsst) генотиплари контаминацияси аниқланган;

MRSA ва Tsst генотиплари келтириб чиқарадиган оппортунистик инфекцияли аллергия тери касалликларининг клиник кечиши қайталанувчи хусусиятга эга бўлиши ва 70,2% ҳолларда ташқи даволашга резистентлиги исботланган;

оппортунистик инфекцияли терининг аллергия касалликлари кузатилган беморларида цитокин статусининг функционал фаолиятида яллиғланиш цитокини ИЛ-6 концентрациясининг 4,8 мартага ва умумий иммуноглобулин IgE ни 1,9 мартага ошган, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 ни 1,1 мартага камайган, бу эса *st. aureus* – MRSA шартли-патоген микроорганизми генотипининг персистентланишини хронизацияси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тери аллергия касалликлари бўлган беморларда тери оппортунистик инфекцияларининг молекуляр-генетик ташхислаш усуллари *st. aureus* генотипларини аниқлаш орқали ишлаб чиқилганлиги асосланган;

тери оппортунистик инфекциялари бўлган АлД беморларда ташқи терапиянинг инновацион усуллари ишлаб чиқилиб, яллиғланишга қарши ва бактериостатик хоссаларга эга бўлган фаоллаштирилган кремний эритмалари қўлланилиши самарали эканлиги исботланган ва бу усул дерматологик амалиётда кенг тадбик этиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган амалий текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, олинган натижаларни замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, микробиологик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик текшириш усуллари қўллаш орқали ишлов берилганлиги, шунингдек, терининг аллергия касалликларида (АлД) оппортунистик инфекцияларни такомиллаштирилган диагностика ва даволаш усуллари чет эл ва маҳаллий тасдиқланган тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг тиббий асослаш орқали тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти терининг аллергия касалликларида тери оппортунистик инфекциялари ривожланиши ва клиник кечиши механизмида

st. aureus генотипининг ўрни белгиланиши, беморлар организмида касалликнинг сурункали шаклида st. aureus генотипларига асосланган тери оппортунистик инфекцияларининг персистент шакллари ривожланишининг кузатилиши, уларнинг про-яллиғланиш цитокинини (ИЛ-6) 4,8 мартага гиперпродукцияси ва қон зардобида умумий IgЕнинг 1,9 мартага ошиши фонида кечиши билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти терининг аллергик касалликлари бўлган беморларда тери оппортунистик инфекцияларини ташхислашнинг молекуляр-генетик усулини ишлаб чиқиши, бунда st. aureus MRSA ва Tsst генотиплари аниқланиши, ташқи терапиянинг ишлаб чиқилган янги усули фаоллаштирилган кремний эритмаларидан иборат «Фатидерм+» маҳаллий воситасини қўллаш ва комплексда ВЛОК-терапия амалга ошириш натижасида терапевтик самарадорликни 62,8% га ошиши ва рецидивларнинг 2,6 мартага қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Аллергодерматозлар билан хастланган беморларга ташхис қўйиш, уни даволаш ва профилактик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

аллергодерматозларнинг оғирлик даражасини клиник-иммунологик ташхислаш усули, касалликни ташқи терапия усуллари ёрдамида даволашнинг янги усулини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган “Аллергодерматитларда тери оппортунистик инфекцияларининг ташқи терапия усуллари” услубий қўлланмаси (ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 5 ноябридаги 8н-р/463-сон ҳулосаси) тасдиқланган. Ташқи терапия мазкур усулининг жорий этилиши симптомлар шкаласининг дерматологик индекси (СШДИ) ва зарарланган ўчоқларда шартли-патоген микроорганизмлар колонизацияси даражасини камайтириш имконини берган;

аллергодерматозлари бўлган беморларда оппортунистик инфекцияларнинг клиник-иммунологик тавсифини ўрганиш ва ташқи терапиянинг оптимал усуллари бўйича аллергодерматитларда тери инфекцияларини даволаш ва ташхислашнинг ишлаб чиқилган усуллари соғлиқни сақлаш тизими, жумладан Республика дерматовенерология ва косметология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, Наманган вилоят тери-таносил диспансери ва МЧЖ “Эмбриосервис” хусусий клиникасининг клиник амалиётига жорий этилган (ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 5 декабридаги 8н-д/296-сон ҳулосаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётига жорий этилиши тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини қўллаш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиши, терапевтик самарадорликнинг 62,8% га ошириш, амбулатор ва стационар даволаш давомийлигини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, текширувнинг мақсади ва вазифалари кўрсатилган, тадқиқотнинг объекти ва предметига тавсиф берилган, диссертация ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган текширув натижалари асослаб берилган, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши рўйхати, натижаларни чоп қилиниши ва диссертациянинг структураси ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Терининг алергик касалликларида оппортунистик инфекцияларни аниқланиши ҳақида**» деб номланган биринчи бобида аниқланиши, этиологик омиллар, шартли-патоген микроорганизмлар сабаб бўлган терининг алергик касалликларида оппортунистик инфекцияларни ривожланишининг патогенетик аспекти, терининг алергик касалликларини (АлД) клиник кечишида молекуляр-генетик ва иммунологик аспекти тўғрисида давлатимиз ва чет эл нашрларидаги сўнгги 10-15 йиллик адабиётлар шарҳи берилган. Оппортунистик инфекцияларни микробиологик ва иммунологик диагностикаси ва ташқи даволаш усуллари масалалари ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва текширув усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материални умумий тавсифи ва текширув усуллари келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади ва қўйилган вазифаларига етишиш учун ЎЗР ССВ РИДВваКИАТМ клиникасида стационар даво олган 11 ёшдан 67 ёшгача бўлган 144 нафар терининг алергик касалликлари бўлган беморлар текширувдан ўтказилди. Булар орасида эркак жинсига мансуб шахслар 70 (48,6%) нафарни ва аёллар – 74 (51,3%) нафарни ташкил қилди. КХТ-10ни ҳисобга олган ҳолда клиник шакллари бўйича 144 нафар беморлар орасида мос равишда алергодерматитлар бўлган беморлар 110 (76,4%) нафарни ва экзема бўлганлар – 34 (23,6%) ни ташкил қилди. Терининг алергик касалликларини клиник тавсифини баҳолаш ёши, жинси, асосий касалликни давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди. Клиник кечишига боғлиқ бўлган ҳолда тери алергик касаллигининг енгил I – даражаси 144 бемордан 16 нафаридан (11,1%),

II – ўртача даражаси – 49 (34,03%) ва III – оғир даражаси эса – 77 нафар беморда аниқланди, бу эса 53,5% ни ташкил этди.

Диссертация ишида қуйидаги текширув усуллари ўтказилди: клиник – СШДИ индекси бўйича оғирлик даражасини аниқлаш. яллиғланиш цитокини ИЛ-6, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 ва умумий иммуноглобулин IgE миқдорини ИФА текшируви, микробиологик (культурал), молекуляр-генетик текширувлар - *st. aureus* нинг генотипини аниқлаш. Текширувлар натижаларини статистик таҳлилида персонал компьютер учун дастурли таъминлашни ўз ичига олган “Statistica for Windows 7.0” пакети қўлланилди.

Диссертациянинг «**Терининг аллергик касалликларини клиник-микробиологик ва молекуляр-генетик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида 144 нафар беморларда терининг аллергик касалликларининг (АлД) клиник шакллари, оғирлик даражаси, касалликнинг давомийлиги, тери-патологик жараёнининг характерини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг клиник кечишини тавсифи батафсил ёритиб берилган. АлД ни клиник шакллари, оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда терининг аллергик касалликларини (АлД) клиник-микробиологик тавсифи батафсил ёритиб берилган. Терининг аллергик касалликларини (АлД) оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда *staphylococcus spp.* ни тури бўйича тавсифи ва колонизацияланиш даражаси батафсил ёритиб берилган. Терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда *st. aureus* генотипларини аниқланишини молекуляр-генетик тавсифи берилган.

Микробиологик текширувлар натижалари кўрсатдики, 144 нафар АлД бўлган беморлар орасида 129 нафар беморларнинг терисида шартли-патоген микроорганизмлар *staphylococcus spp.* ўсиб чиқди, бу 89,6% ҳолатни ташкил қилди. Тури бўйича идентификациялаш бўйича соғлом назорат гуруҳи билан солиштирганда стафилококклар орасида энг кўп юқори колонизацияланган – $1618,9 \pm 418,2$ КОЕ/см² патоген флора *st.aureus* – 40,3% ҳолатда ўсиб чиқди ($p < 0,05$).

Клиник-анамнестик маълумотлар кўрсатдики, терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда оппортунистик инфекциялар ривожланишининг омиллари орасида назоратсиз ташқи таъсирга эга бўлган дори воситаларини – топик кортикостероидлар – 89,6%, топик иммун-супрессорлар (протопиклар) – 39,6% ва антибактериал малҳамлар – 43,7% ҳолатда қўллаш ҳисобланади.

Стафилококклар генотипини аниқлаш учун терининг аллергик касалликларибўлган беморларда терининг зарарланган ўчоқларидан ўстирилган *st.aureus* культурасини ПЗР-текширув усули билан молекуляр-генетик текширув ўтказилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Хужайрадан ташқари термонуклеаза (nuc) генига стандарт ПЗР-амплификациясини ўтказиш учун специфик олигонуклеотид праймерларини кетма-кетлиги

Nuc	Олигонуклеотид кетма-кетлиги
Forward	GCGATTGATGGTGATACGGT

Reverse	AGCCAAGCCTTGACGAACTAAAGC
---------	--------------------------

Текширув натижалари кўрсатдики, текширилган намуналарда 100% ҳолатда ДНК аниқланди. Шунингдек ПЗР текшируви усули билан 100% ҳолатда (52 та культура) *st.aureus* нинг *nuc* маркер гени мавжудлиги тасдиқланди.

2-жадвал

АлД бўлган беморларни биосустратидан ажратиб олинган *st.aureus* генотиби кўрсаткичлари

<i>St.aureus</i> култураси	Nuc-279 bp	Tsst-540 bp	<i>mecA</i> -163 bp	Luk-433 bp
Жами културалар, n=52	52	13	34	1
%	100	25	65,4	1,9

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 52 та *st.aureus* културасининг намунасидан 48 та културада генотишлар аниқланди, бу 92,3% ҳолатни ташкил қилди. Генотишларни вариабеллигига боғлиқлиги бўйича метициллинга турғун бўлган стафилококк – (*mecA*) 34 та намунада аниқланди, бу 65,4% ҳолатни ташкил қилди. Ҳолбуки токсик шок синдромининг токсинини ишлаб чиқувчи стафилококклар (*Tsst*) 13 (25%) нафар беморда аниқланди, Пантон-Валлентайн лейкоцидинини ишлаб чиқувчи стафилококклар – Luk-433 bp эса 1 ҳолатда аниқланди, бу мос равишда 1,9%ни ташкил қилди.

Терининг аллергик касалликларини (АлД) клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда метициллинга турғунли *st. aureus* (MRSA) генотиби энг кўп аллергодерматит бўлган беморларда ажратиб олинди, бу 52,9%ни (34 тадан 18 тасида), экзема бўлган беморлар гуруҳида эса – 29,4%ни (34 тадан 10 тасида) ташкил қилди. Бизнинг текширувларимизда токсик шок синдроми токсини (*Tsst*) энг кўп экзема бўлган беморларда – 61,5% (13 тадан 8 тасида) ҳолатда, АлД бўлган беморларда – 38,5% (13 тадан 5 тасида) ҳолатда ажратиб олинди.

Ажратиб олинган *st.aureus* штаммини ҳисобга олган ҳолда терининг аллергик касалликларини (АлД) клиник кечиши кўрсатдики, ажратиб олинган MRSA бўлган АД бўлган беморлар гуруҳида тери-патологик жараёнининг клиник кўриниши қичиш ҳолатларининг кучли ифодаланиш фонида эритематоз-сквамозли тошмалар билан характерланди.

MRSA ва *Tsst* генотишлари аниқланган беморларда терининг аллергик касалликларини (АлД) клиник кечишини чуқур таҳлилида кўпинча йилига 6-8 марта қайталаниш характериға – 78,7% (47 тадан 37 тасида) ҳолатда аниқланди, ўтказилаётган ташқи даволашга турғунлик – 70,2% (47 тадан 33 тасида) да кузатилди, айниқса топиқ комбинацияланган кортикостероид (ТККС) препаратларига, яъни КС ва антибиотиклар сақловчи препаратлар (бетаметазон + гентамицин, целестодерм-В гарамицин). Касалликнинг давомийлиги ўртача 1-5 йилни – 68,1% ҳолатда (47 та бемордан 32 тасида) ташкил қилди.

Говак ҳосил қилувчи Пантон-Валентайн лейкоцидин токсини (*Panton-Valentine leukocidin*, (PVL) генотиби бўлган беморларда тери-патологик жараёни тарқалган, инфилтратив-яллиғланишли характерли, касаллик давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлган тез-тез қайталанувчи ва ўтказилаётган стандарт даволашга турғунликга эга бўлди.

Шундай қилиб, клиник-микробиологик ва молекуляр-генетик текширувлар натижалари шундан далолат берадики, аллергодерматозлар бўлган беморларда 37,2% ҳолатларда st. aureus генотиплари сабаб бўлган терининг оппортунистик персистенцияланган инфекциялари ривожланиши кузатилади.

Антибактериал сезувчанлик бўйича st. aureus нинг MRSA генотиби мос равишда кўпроқ фторхинолонли қатор гуруҳи – 77,3% ва цефалоспоринларга – 38,9%, ҳолбуки Tsst генотиби – фторхинолонли қаторантибиотиклари (18,2%) ва аминогликазидларга 13,7% сезувчанлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «Терининг аллергик касалликлари бўлган беморларда цитокин статуси ва умумий иммуноглобулин Е ни айрим кўрсаткичлари ҳақида» деб номланган тўртинчи бобида 106 нафар терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда яллиғланиш (ИЛ-6), яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар ва умумий иммуноглобулин IgE ҳолатини иммунологик текширувлар натижалари келтирилган. Клиник кечишини баҳолаш учун симптомлар шкаласининг дерматологик индекси (СШДИ) қўлланилди. АлД бўлган 106 нафар беморлар орасида терининг оппортунистик персистенцияланган инфекциялари билан 36 (33,9%) нафар бемор ва инфекциясиз – 70 (66,04%) нафар бемор ташкил қилди.

ИФА текширувлари натижалари кўрсатдики, терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморлар гуруҳида яллиғланиш цитокини ИЛ-6 ни концентрацияси назорат гуруҳи билан солиштирилганда 4,4 марта ошганлиги кузатилди, бу ўртача мос равишда $20,2 \pm 0,44$ пг/мл ва $4,6 \pm 0,8$ пг/мл ни ташкил қилди ($p < 0,05$). Ҳолбуки яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 миқдори терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморлар қон зардобидида назоратдаги соғлом гуруҳ билан солиштирилганда бир оз пасайганини кўрсатди ва у ўртача $5,1 \pm 0,05$ пг/мл ни ташкил қилди, ҳолбуки назорат гуруҳида бу $5,5 \pm 2,13$ пг/мл ($p > 0,05$) да қайд этилди. Ушбу ИФА текшириш натижаларини АлД беморларда оппортунистик инфекцияси мавжудлигига нисбатан таҳлил қилинди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

St.aureus генотиплари сабаб бўлган, оппортунистик инфекциялар мавжудлигига боғлиқ ҳолда АлД бўлган беморларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ва умумий иммуноглобулин IgE ҳолати

Кўрсаткичлар	Соғломлар n=39	Оппортунистик инфекцияли АлД n= 36	Инфекциясиз АлД n=70
IgE,(МЕ/л)	$68,2 \pm 1,08$	$201 \pm 3,1^*$	$184,1 \pm 3,1^*$
IL-6, (пг/мл)	$4,6 \pm 0,8$	$22,3 \pm 1,16^*$	$19,9 \pm 0,95^*$
IL-10, (пг/мл)	$5,5 \pm 2,13$	$4,8 \pm 0,04^*$	$5,05 \pm 0,07$

Изох: * – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги ($p < 0,05$)

3-жадвалдан кўришиб турибдики, терининг оппортунистик персистенцияланган инфекциялари мавжуд бўлган АлД бўлган беморлар гуруҳида ИЛ-6 кўрсаткичи назоратдаги соғлом гуруҳ билан солиштирилганда

4,8 марта ошганлиги ва ИЛ-10 эса 1,1 баробарга камайганлиги аниқланди. Олинган натижалар статистик ишончли характерга эга ($p < 0,05$).

Фикримизча бундай ҳолатни адабиётлардаги маълумотлар билан солиштирилганда терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда стафилококклар генотипларини пептидогликанлар ишлаб чиқариши фонида *Staphylococcus spp.* авлодига мансуб шартли-патоген микроорганизмларни персистенцияси билан тушунтириш мумкин. Терига кириб борувчи патогенларнинг детекциясида асосий ролини молекуляр пептидогликанлар ўйнайди ва терида иммун жавобни пайдо қилади. Эпидермисда бу рецепторлар кератиноцитлар ва Лангерганс хужайраларида жойлашади, бу эпителиал микробга қарши барьер ҳосил бўлишида уларни қатнашишини кўрсатади.

Шундай қилиб, терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдориди айрим дисбаланс мавжуддир. Олинган натижалар шундан далолат берадики, терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси ва клиник шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда цитокин статусида бузилишлар аниқланади.

Бизнинг фикримизча бу аспектда 65,4% терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда аниқланган шартли-патоген микроорганизмлар, чунончи *st.aureus* генотиплари – метициллинга турғунли бўлган стафилококк – (mecA) ва 25% ҳолатда токсик шок синдромининг токсини (Tsst) асосий ролни ўйнайди.

Диссертациянинг **«Оппортунистик инфекция бўлган терининг аллергик касалликларибўлган беморларда янги даволаш усулини ишлаб чиқиш»** деб номланган бешинчи бобида ҚВИЛН (қонни вена ичида лазерли нурлаш) терапиясини қўллаш орқали ва фаоллаштирилган кремнийли эритма «Фатидерм+»ни ташқи қўллаш билан характерланган патогенетик даволаш ишлаб чиқилгани баён қилинган.

Аллергодерматозлар бўлган беморларда ҚВИЛН терапиясини антигистамин, гипосенсибилизацияловчи, яллиғланишга қарши ва ташқи яллиғланишга қарши ва антибактериал даволаш фонида қўлланилди.

«Аллергодерматозлар бўлган беморларда оппортунистик инфекциялар пайдо бўлишини молекуляр-генетик ва биокимёвий механизмларини текшириш ва табиий ресурсларни қўллаш асосида янги даволаш усулини ишлаб чиқиш» ССВ-Ф-003 идоралараро фундаментал гранти ва «Аллергодерматозларда ташқи даволаш учун Ўзбекистоннинг табиий хом ашёлари асосида тайёрланган янги дори воситасини ишлаб чиқиш» ПЗ-20170922154 амалий гранти доирасида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказида дори воситаларини даво самарасини кўтариш учун янги имкониятлар ишлаб чиқиш бўйича Тошкент вилоятининг турли конларидан олинган табиий хом ашёлари бўлган фаоллаштирилган кремнийли эритмаларни энергетик, яллиғланишга қарши, микробларга қарши хусусиятларини текшириш орқали гео-кимёвий, экспериментал ва клиник текширувлар ўтказилди.

Олинган натижалар асосида ватанимизда янги препарат – кремнийни фаоллаштирилган эритмаси «Фатидерм+»– тоник – тери, соч, тирноқлар ва

шиллик қаватлар учун даволаш-косметика воситаси ишлаб чиқилди («FATI-LUX» МЧЖ, 20.03.2019 йилдаги 2242487-рақамли мос келувчи сертификати).

«Фатидерм+»- органик эритма бўлиб, Ўзбекистоннинг кремнийли минераллари (SiO_2 – 44,8-52 мг/л) ва REE (Nd – (Ce,Er) – (Pr,Dy,La) – (Eu, Yb, Tm) – Sc – Gd, Lu – Th-(Y,U)) элементлар комплексидан таркиб топган, тери, шиллик қават хужайраларининг регенерацияси жараёнини фаоллаштиради, ёшартириш ва яллиғланишга қарши хусусиятларига эга, шартли-патоген микроорганизмларни (*Staphylococcus spp.*, *E.Coli*, *candida spp.*) ўсишини йўқотади, соч ва тирноқларни ўсишини стимуллайди, терининг табиий рН ни тиклайди.

11 ёшдан 74 ёшгача бўлган терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган 111 нафар беморлар текширувдан ўтказилди. Улар орасида эркак жинсига мансуб шахслар 43 нафарни ва аёллар – 68 нафар беморларни ташкил қилди.

Терининг аллергик касалликларини (АлД) патогенетик даволаш самарасини баҳолаш учун оппортунистик персистенцияланган инфекциялар мавжудлигига боғлиқ бўлган ҳолда беморлар 3 гуруҳга бўлинди.

I-гуруҳга (назоарт гуруҳи) 10 кун давомида антигистамин ва гипосенсибилизацияловчи препаратлар ва ташқи – глюкокортикоидли малҳам (акридерм-гента) тайинлаш билан характерланган комплекс даволашни олган АлД бўлган 38 нафар бемор олинди.

II-гуруҳни– оппортунистик инфекция бўлган АлД ли 36 нафар бемор ташкил қилди, уларга комплекс даволаш фонида 7-10 кун давомида кунига 1 маҳал ҚВИЛН-терапияси ва ташқи маҳаллий – комбинацияланган топик кортикостероидлар тайинланди.

III-гуруҳга –оппортунистик инфекция бўлган АлД ли 37 нафар бемор олинди, уларга комплекс традицион даволашга 7-10 кун давомида кунига 1 маҳал ҚВИЛН-терапияси ва ташқи қўллаш учун 7-10 кун давомида ТККС малҳами билан комбинацияланган фаоллаштирилган кремнийли эритма «Фатидерм+» тайинланди.

АлД бўлган беморларда патогенетик даволаш усулларини терапевтик самараси СШДИ индекси, ҳамда 1 йил давомида касалланишни қайталаниш частотаси бўйича баҳоланди.

Кузатиш натижалари кўрсатди, СШДИ индекси барча кузатилган гуруҳларда ишончли пасайди ва стандартга мувофиқ традицион даво олган беморлар гуруҳида $14,4 \pm 0,6$ баллни ташкил қилди, ҚВИЛН терапия билан комплекс даво олган беморлар гуруҳида эса СШДИ индекси $12,4 \pm 0,8$ баллни ташкил қилди, бу даволашгача бўлган кўрсаткич билан солиштирилганда 1,8 марта пасайди ($p < 0,05$). ҚВИЛН терапия билан ташқи фаоллаштирилган кремнийли эритма «Фатидерм+»ни қўлланган беморлар гуруҳида эса СШДИ индекси 2,5 марта пасайди ва $9,3 \pm 0,9$ баллни ташкил қилди ($p < 0,05$).

6 ой мобайнида клиник кузатувлар натижалари кўрсатдики, касалликни қайталаниш сони ўртача 3,7 марта камайди, бу яна бир бора ишлаб чиқилган даволашни юқори самарали эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, клиник кузатувлар кўрсатдики, физиотерапевтик муолажа – ҚВИЛН-терапия билан комплекс даво олган беморлар гуруҳида даволаш самараси традицион даво олган беморлар гуруҳига нисбатан мос равишда 2,6 марта ошди.

ҚВИЛН терапия даволашдан сўнг умумий IgE концентрациясини пасайишига имкон яратди. Яъни, ҚВИЛН-терапия олган беморлар гуруҳида умумий IgE миқдори даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан 1,7-1,8 марта пасайди ва ўртача $104,4 \pm 2,6$ ва $116,4 \pm 2,3$ МЕ/мл ($p < 0,05$)ни ташкил қилди. Традицион даво олган беморлар гуруҳида эса умумий IgE миқдори 1,3 марта камайди ва ўртаса $139,1 \pm 3,3$ МЕ/мл ни ташкил қилди. Олинган натижалар статистик ишончли характерга эга бўлди ($p < 0,05$).

Текширилган беморларда цитокин статуси текшируви натижалари кўрсатдики, АлД бўлган назорат гуруҳи беморларида ИЛ-10 миқдори 1,2 марта кўтарилди ва ўртача $7,03 \pm 0,09$ пг/мл ни ташкил қилди. Аммо олинган натижалар статистик ишончли характерга эга бўлмади ($p > 0,05$). ИЛ-6 концентрацияси эса 1,3 марта пасайди ва ўртача $11,9 \pm 0,2$ пг/мл ($p < 0,05$)ни ташкил қилди.

ҚВИЛН терапия олган асосий гуруҳ беморларида эса ИЛ-10 миқдори 1,6 марта кўтарилди ва ўртача $9,2 \pm 0,2$ пг/мл ни ташкил қилди, бу яллиғланишга қарши жараённи фаоллашиши тўғрисида далолат беради ($p < 0,05$). ИЛ-6 миқдори даволашгача кўрсаткичга нисбатан сезиларли 3,8 марта ва I-гуруҳ беморлари кўрсаткичларига нисбатан 2,1 баробар пасайди. Олинган натижалар статистик ишончли характерга эга бўлди ($p < 0,05$).

0,05% ли фаоллаштирилган кремнийли эритмани терапевтик самарасини баҳолаш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинди.

Клиник текширувлар натижалари кўрсатдики, фаоллаштирилган кремнийли эритма билан электрофорезни қўллаш орқали комплекс даволаш фонида тери-патологик жараённинг динамикаси ижобий сўрилиш динамикасига эга бўлди, бу гиперемияни интенсивлигини 65,5%га, шишишни – 76% га, қипиқланишни – 65,2% га пасайиши, лихенификацияни сўрилиши – 70,8%, папулёз элементларни сўрилиши – 73,1% ва эрозияларни эпителизацияси – 69,6% ҳолат билан характерланди. Фаоллаштирилган кремнийли эритмани қўллаш субъектив ҳисларни – қичишишни 70,3% ҳолатда сезиларли пасайишига имкон яратди. Олинган натижалар статистик ишончли характерга эга бўлди ($p < 0,05$).

4-жадвал

Такомиллаштирилган даволаш фонида АлД бўлган беморларда бир неча вақт мобайнидаги клиник натижаларни солиштирма тавсифи, (балл), (9 ой мобайнида)

Даволаш усуллари	Клиник соғайиш	Клиник яхшиланиш	Самарасиз	Ножуя таъсири	Қайталаниш сони
I-традицион даво n=33	12 (36,3%)	11 (33,3%)	7 (21,2%)	6 (18,1%)	17 (52,5%)
II-патогенетик даво (ҚВИЛН+ТККС) n=33	21 (63,6%)*	12 (36,3%)	3 (9,1%)	1 (3,03%)	4 (12,1%)*
III-гуруҳ (ҚВИЛН + ТККС («Фатидерм+»)) n=31	22 (70,9%)*	20 (64,5%)*	1 (3,1%)	-	2 (6,4%)*

Изоҳ: *- традицион даво олган АлД бўлган беморларга нисбатан ишончилилик кўрсаткичи, ($p < 0,05$).

Оппортунистик инфекцияли терининг аллергик касалликлари (АлД) бўлган беморларда фаоллаштирилган кремнийли эритмаларни қўллаш

зарарланган ўчоқларда терининг микробиологик текширув натижалари динамикасига ижобий таъсир кўрсатди. Яъни, колонизация даражаси даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан 15,2 марта камайди ва ўртача $89,5 \pm 11,3$ КОЕ/см² ни ташкил қилди (даволашгача $1356,7 \pm 45,6$ КОЕ/см²) ($p < 0,05$). Фақат топик комбинацияланган кортико-стероидларни олган беморлар гуруҳида эса колонизацияланиш даражаси 3,9 марта камайди ва ўртача $334,7 \pm 25,9$ КОЕ/см²ни ташкил қилди. Олинган натижалар статистик ишончли характерга эга бўлди ($p < 0,05$).

Таъкидлаш лозимки, фаоллаштирилган кремнийли эритмаларни қўлланилган вақтда препаратни курсини тўхтатиш ёки махсус даволашни талаб қилувчи ножуя таъсирлар кузатилмади.

Шунингдек диссертация ишини бажариш пайтида ҚВИЛН-терапияни қўллаш орқали ишлаб чиқилган патогенетик даволашда терининг аллергик касалликларининг (АлД) клиник кечиши динамикасини баҳолашни ўтказдик.

Бир неча вақт мобайнида (9 ой мобайнида) клиник кузатувлар кўрсатдики (4-жадвалга қаранг), ҚВИЛН ва ТККС+ «Фатидерм+»ли ташқи давони қўллаш орқали патогенетик даволаш 31 нафар кузатувдаги бемордан 22 нафарида, бу 70,69% ни ташкил қилди, клиник соғайишга имкон берди, клиник яхшиланиш –20 (64,5%) нафар беморда кузатилди. Ушбу гуруҳ беморларида олинган давода ножуя таъсирлар кузатилмади. Касалликни қайталаниши 2 нафар беморда кузатилди, бу 6,4% ни ташкил қилди. ҚВИЛН муолажасини олган АлД бўлган беморлар гуруҳида эса клиник соғайиш 33 нафар бемордан 21 нафарида, бу 63,6% ни ташкил қилди, клиник яхшиланиш – 12 (36,3%) нафар беморда кузатилди, бу III-гуруҳ беморлари билан солиштирганда 1,7 марта кам бўлди. Таъкидлаш лозимки, касалликни қайталаниш сони 4 нафар беморда кузатилди, бу 12,1% ҳолатни ташкил қилди. Фикримизча, ушбу гуруҳдаги 4 нафар кузатувда бўлган беморлар узок муддат давомида ташқи қўлланилувчи топик кортикостероидларни ишлатишган, бу ножуя таъсирларни ривожланишига сабаб бўлган.

Олинган натижалар аллергодератитлар бўлган беморларда фаоллаштирилган кремнийли эритма «Фатидерм+»ни ТККС ва ҚВИЛН-терапия билан қўллаш орқали такомиллаштирилган даволаш юқори терапевтик самарага эга эканлигидан далолат беради, буни дерматология амалиётига тавсия қилиш мумкинлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Клиник-микробиологик текширувларда терининг аллергик касалликлари бўлган 144 нафар беморлар орасида 122 тасида терининг патологик ўчоқларида *staphylococcus spp.* ундириб чиқарилди ва бу 89,6% ни ташкил этди. Тури бўйича кўпроқ 40,3% ҳолатда – *st. aureus* аниқланди. Тери аллергик касалликларининг клиник тури бўйича *st. aureus* аллергодерматитда – 63,5% да ва экземда-65,5% ҳолатда мос равишда аниқланди.

2. Молекуляр-генетик текширувлар натижалари шундан далолат бердики, аллергодерматозлар бўлган беморларда 37,2% ҳолатларда *st. aureus*

генотиплари сабаб бўлган терининг оппортунистик инфекциялари ривожланиши кузатилади. *St. aureus* генотипларини молекуляр-генетик текширувларида метициллинга турғунли бўлган стафилококк штамми (MRSA) – 37,2% ҳолатда ва токсик шок синдромининг токсини Tsst – 29,2% ҳолатда аниқланди, бу персистенцияланган оппортунистик инфекцияларни ривожланиши тўғрисида далолат берди.

3. Терининг аллергик касалликларида терида оппортунистик инфекциялар ривожланишини омиллари орасида назоратсиз кўп вақт давомида сиртқидан малҳамларни – топик кортикостероидлар – 89,6%, топик протопиклар (кальциневринни ингибиторлари гуруҳи) – 39,6% ва антибактериал малҳамлар – 43,7% ҳолатда қўллаш қайд этилди.

4. Тери аллергик касалликларида MRSA ва Tsst генотиплари билан ифодаланган оппортунистик инфекцияларининг клиник кечиши 78,7% ҳолатда қайталаниш характериға эгаллиги ва 70,2% ҳолатда эса ташқи даволашга турғунлик билан кечиши ифодаланди.

5. Оппортунистик инфекцияли терининг аллергик касалликлари бўлган беморларда цитокин статусининг функционал фаолиятини бузилиши аниқланди ва бу ҳолат яллиғланиш олди цитокини ИЛ-6ни 4,8 марта ва умумий иммуноглобулин IgE миқдорини 1,9 мартабага кўпайиши фонида яллиғланишга қарши ИЛ-10 цитокинини концентрациясини 1,1 мартабагача пасайиши билан билан тавсифланган, бу шартли-патоген микроорганизм *st. aureus* нинг MRSA генотипини персистенциясини сурункалашишини ифодалади.

6. Тери аллергик касалликларида тери оппортунистик инфекциясининг патогенетик даволаш усули ишлаб чиқилди ва бу эса ҚВИЛН-терапиясини 7-10 курс мобайнида ҳамда *staphylococcus spp.* нинг антибактериал турғунлигини камайтириш мақсадида ташқи муолажа сифатида фаоллаштирилган кремнийли эритма «Фатидерм+»ни қўллашдан иборат бўлиб терапевтик самарадорлигини оширди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИИ И КОСМЕТОЛОГИИ**

ЮНУСОВА ЗАРИНА СЕРВЕРОВНА

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА
ОПОРТУНИСТИЧЕСКИХ ИНФЕКЦИЙ У БОЛЬНЫХ
АЛЛЕРГОДЕРМАТОЗАМИ И ОПТИМАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ
НАРУЖНОЙ ТЕРАПИИ**

14.00.11 – Дерматология и венерология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Tib476

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом центре дерматовенерологии и косметологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Мавлянова Шахноза Закировна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Вансов Адхам Шавкатович**
доктор медицинских наук, профессор

Арифов Саиджасим Сайдазимович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный стоматологический институт**

Защита диссертации состоится «23» Июль 2021г. в 11:00 час. на заседании Научного по присуждению ученых степеней DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223.Тел/факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за № 531), (адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223. Тел/факс: (+998 71) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «28» Июль 2021 года.

(Протокол рассылки № от 104 «30» Июль 2021 года.



А.В. Алимов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хайтов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.И. Ахмедова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире наблюдается неуклонный рост аллергических заболеваний кожи, которые носят хронический характер, с частыми рецидивами, резистентностью к проводимой терапии и становятся серьезной медицинской и социальной проблемой. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...заболеваемость резистентных форм осложненным течением аллергических дерматозов наиболее распространена среди лиц подросткового и молодого-трудоспособного возраста, что в структуре кожных заболеваний занимает 27-38%...»¹. В последнее время отмечается высокая выявляемость осложненных форм аллергических дерматозов среди населения, характеризующиеся оппортунистическими инфекциями, обусловленное бактериальной, грибковой или вирусной этиологии, что требует разработки новых методов лечения и профилактики.

В мире уделяется особое внимание по разработке эффективных методов диагностики и лечения аллергических заболеваний кожи, где важное значение придается молекулярно-генетическим исследованиям, именно определение генотипов условно-патогенных микроорганизмов при аллергических дерматозах. В связи с этим выявление генотипов патогенной микрофлоры кожи будет способствовать выявлению новых механизмов развития патогенеза АД и разработке оптимальных методов лечения. В связи с этим особое внимание уделяется достижениям молекулярной генетики в изучении генотипов патогенной микрофлоры будет способствовать раскрытию новых механизмов патогенеза алергодерматозов. Высокая частота возникновения вторичных бактериальных осложнений при аллергических заболеваниях кожи, резистентности проводимой терапии остается приоритетным направлением научных исследований. Учитывая молекулярно-генетические исследования генотипов стафилококков, ранняя диагностика оппортунистических инфекций и совершенствование методов наружной терапии имеют особое значение.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по развитию и приведению системы медицины в соответствие с мировыми стандартами, в частности, по профилактике различных кожных заболеваний, возникающих у детей и взрослых. В комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения указаны задачи «...по повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также созданию системы медицинской стандартизации, высокотехнологических методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей диспансеризации...»². В

¹ <http://www.who.int/meiacentre>

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ».

связи с этим приоритетным направлением является совершенствованию ранней диагностики, лечения, профилактики осложненных форм аллергических заболеваний кожи и повышению эффективности ее лечения на ранней стадии заболевания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, определенным в Указах Президента Республики Узбекистан УП № 6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», ПП № 4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП № 3071 от 20 июня 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», ПП № 4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными изучены иммунологические аспекты хронизации аллергических заболеваний кожи (АлД). У 57% больных в сыворотке крови выявлялись антитела к стафилококковым энтеротоксинам А, В, С и токсину синдрома токсического шока. Показано, что наиболее реактогенными свойствами обладает энтеротоксин В и установлено взаимосвязь между тяжестью поражения кожи и сенсибилизации к этому антигену. (Williams V. R., Callery S., 2009; Сорокина Ю.В , 2014; Короткий Н.Г. с соавт., 2017).

В нашей стране впервые определён полиморфизм генотипов Pe105Val гена GSTP1 в механизме развития аллергодерматозов и разработаны способы прогнозирования клинического течения заболевания. Результаты исследования показали, что аллель G и гетеро/гомозиготные генотипы полиморфизма Pe105Val гена GSTP1 являются одним из значимых критериев повышенного риска развития аллергических заболеваний кожи. Исследованиями установлено снижение функциональной деятельности АОС антиоксидантной системы и повышение концентрации олигопептидов в крови, что способствовало развитию тяжелой степени эндогенной интоксикации в организме у больных аллергодерматозами (Гулямова Г.Ш.,2019; Мавлянова Ш.З. с соавт., 2019).

На современном этапе важную проблему в дерматологической практике представляет поиск новых методов диагностики и терапии оппортунистических инфекций у больных с аллергическими заболеваниями кожи (АлД) (Шадиев Х.К., 2000; Маннанов А.М., 2000; Вайсов А.А.,2013; Мавлянова Ш.З. 2016). Стандартные методы диагностики, включающие

